



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 7 апрель, № 68 (7026) Шанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЯНГИ ҒОЯЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ АМАЛИЙ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 апрель куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг академик Собир Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтига ташриф буюрди. Институтнинг асосий йўналишлари, илмий ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан танишди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида табиий бирикмалар кимёси, биологияси ва технологияси соҳасида катта илмий мақома шаклланди. Бугунги кунда ушбу муассасада 159 илмий ходим табиий бирикмалар кимёсини ўрганиш, улар асосида тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги соҳалари учун дори воситалари ҳамда кимёвий препаратлар яратиш борасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Истиқлол йилларида бу ерда 500 дан ортиқ турдаги ўсимликнинг кимёвий таркиби ўрганилиб, улардан 1 минг 200 дан зиёд модда ажратиб олинган. 246 янги алкалоид, 100 дан ортиқ фенол бирикмалари, 50 дан зиёд терпеноид бирикмаларнинг кимёвий тузилиши исботланган. 5 мингдан ортиқ гетероциклик бирикма синтез қилиниб, уларнинг фаоллиги ўрганилган.

Институт қошидаги тажриба-ишлаб чиқариш корхонасида 20 га яқин дори воситаси субстанциялари ишлаб чиқарилмоқда, йилга 100 тонна ўсимлик хом ашёси қайта ишланмоқда. 2017 йилда Россия Федерацияси, Франция, АКШ каби давлатларга 2,5 миллион доллардан ортиқ миқдордаги биологик актив субстанциялар экспорт қилинган. Шунингдек, мамлакатимиз фармацевтика корхоналарида субстанциялар етказиб берилмоқда.

Шавкат Мирзиёев мазкур даргоҳ ўзининг илмий салоҳияти билан нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда етакчи ўринларда туриши, бу ерда яратилаётган янгиликлар фармацевтика саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 16 сентябрдаги "2016 — 2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорида фармацевтика соҳасини ривожлантириш, хориждан келтириладиган дори воситаларини маҳаллий хом ашёдан ажратиш олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни чуқур қайта ишлаш асосида янги дори воситалари яратиш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб берилган эди. Шунга мувофиқ, Ўсимлик моддалари кимёси институтида халқаро талабларга жавоб берадиган GMP заводи барпо этилмоқда.

Бунинг натижасида йилга 500 тоннадан зиёд ўсимлик хом ашёсини чуқур қайта ишлаш имконияти яратилди. Жорий йилдан 30 дан ортиқ табиий тоза, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз мазкур корхона билан танишиш, олимлар томонидан тайёрланган биологик актив субстанцияларни кўздан кечирди.

— Дори субстанциялари фармацевтика саноатининг асосий омилдир. Бунинг учун ўсимликларни чуқур қайта ишлаш, жаҳон илмий ютуқларини ўрганган ҳолда, бугунги кунда талаб юқори бўлган препаратларни яратиш,

маҳаллийлаштириш даражасини ошириш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари институт фаоллар залида вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ва ЎзФА илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан мулоқот қилди. Унда мамлакатимизда олимлар, академиклар билан мунтазам учрашиб туриш аънаёна айлангани, Харақат стратегияси асосида илм-фанни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор бозор иқтисодиёти шариоатида рақобатбардор кадрлар тайёрлаш ҳамда соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

— Ҳамма соҳанинг келажаги сизларга, илм-фанга боғлиқ. Бундан кейин мамлакатимизга келаётган ҳар бир хорижий инвестициянинг муайян фоизи илм-фанни ривожлантиришга ва илмий кадрлар тайёрлашга йўналтирилади. Илм-фан ривожлансагина эртанги кунимиз ҳақида тасаввур қила оламиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда сўзга чиққан олимлар Президентимизнинг кунги кеча қабул қилинган "Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори уларга катта хурсандчилик, моддий ва маънавий рағбат берганини, бундан буён бор билим, куч-ғайрат ва шижоатини илм-фан ривожига қаратишлари алоҳида қайд этилди.

Шундан сўнг Президентимиз Яшнобод туманидаги замонавий ҳарбийлар шаҳарчаси қурилиши билан танишди.

Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб турмуш шароити яратишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизнинг Яшнобод тумани "Олмос" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилаётган кўп қаватли янги уйлар ҳам ўнлаб ҳарбий хизматчилар оиласига олам-олам қувонч бағишлаши шубҳасиз.

Президентимизнинг 2017 йил 13 январдаги "2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бу ерда 48 та беш қаватли уй қад ростламоқда.

Лойиҳага кўра, биринчи босқичда 540 хонадонга мўлжалланган 5 қаватли 18 та уй қурилмоқда. Буюртмачи — "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК, лойиҳалаштириш ишлари — бош лойиҳачи "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" институти томонидан ишлаб чиқилган. Қурилиш-монтаж ишлари 12 та пудрат ташкилоти томонидан тасдиқланган тармоқ жадваллари асосида амалга оширилмоқда.

Бунёдкорлик ишларига 30 дан ортиқ техника ҳамда 2000 га яқин малакали муҳандис ва ишчи-ҳодим жалб қилинган. Бугунги кунга қадар гишт териш ишлари якунланиб, сантехника, пардозлаш ишлари бажарилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, уйларда яратилаётган шароитлар билан танишди.

— Сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилаётган ҳарбий хизматчиларимиз турмуш шароитини яхшилаш борасидаги ислохотлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади, — деди Президентимиз. — Уларнинг фарзандлари таълим-тарбияси ва ижтимоий ҳимояси доимий эътиборимизда бўлади.

Иккинчи босқич доирасидаги 900 хонадонга мўлжалланган 5 қаватли 30 та уй қурилиши ҳам қизғин давом этмоқда. Буюртмачи — "Ўзшаҳар қурилиш инвест" ИК, бош лойиҳачи — "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" институти.

Замонавий ҳарбий шаҳарча бўладиган ушбу мавзедда болалар боғчаси, мактаб, поликлиника ва бошқа ижтимоий объектлар ҳам барпо этилади. Уйлар Ватан ҳимоячиларига имтиёзли кредит асосида берилди.

Шавкат Мирзиёев уйларни ўз вақтида ва сифатли қилиб якунлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди. Шу ерда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутасаддилари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманидаги Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ қурилмоқда.

Қурилиш-монтаж ишлари "Юксак парвоз қурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан амалга оширилаётган мактаб 1 минг 470 ўқувчига мўлжалланган. Бундан ташқари, вилоятлардан келиб ўқийдиган ўқувчилар учун 300 ўринли ётоқхона ҳам қурилади. Мактабда ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилди. Жумладан, мустақил ишлаши, қобилиятини ривожлантириши учун махсус ускуналар билан жиҳозланган қўшимча хоналар, аудиториялар, табиий фанлар лабораториялари, информатика хоналари, робототехника устахоналари, спорт майдончалари ҳамда сузиш ҳавзаси барпо этилади. Шунингдек, ҳар бири 500 ўринга мўлжалланган фаоллар зали, ошхона ҳамда 20 минг китоб фондига эга кутубхона ўқувчилар ихтиёрида бўлади.

Мазкур ихтисослаштирилган мактабнинг ташкил этилиши мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш ва замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

— Энг яхши мутахассислар тайёрлайдиган марказ шу ерда бўлади. Ушбу мактабга вилоятдан иқтидорли болаларни танлов асосида қабул қилиш лозим. Бу ерда шундай муҳит яратиш керакки, улар таълимни асосан электрон воситалар орқали олсин, — деди Президентимиз.

Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 28 октябр кунги пойтахтимизнинг Яшнобод туманида қуриб битазилган "Ашхобод сайилгоҳи"ни бориб кўрган, сайилгоҳ атрофи, унга туташ ҳудудларни янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берган эди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан, бу ерда замонавий маданият ва истироҳат боғи мажмуасининг иккинчи босқич қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Умумий майдони 12 гектарлик сайилгоҳ ичиде 26 та аттракцион бўлган 1 та усти ёпик иншоот, очик типдаги 31 та ўйин аттракционлари, нуронийлар маскани, совгалар дўконига ва бошқа савдо шохобчалари қурилди.

Президентимиз "Ашхобод сайилгоҳи"да олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Сайилгоҳга қиравериб турман миллиатининг мардлик ва жасорат тиласи бўлган ахалтеке отлари акс этган яхлит композиция барпо этилган. Бу ердаги жиҳозлар туркман миллий мейморлик аънаваларини ўзида мужассам этган бўлиб, қарагай, қрим қарагайи, хинд сирени, эман, каштан, магнолия, аризонна кипариси, сальвия, новий арчалар экилган. Ташриф буюрувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун ўриндиқлар, велойўлақлар, фавворалар ўрнатилган. Амфитеатр ва кафе ташриф буюрувчиларга мунтазир.

Қурилиш ишларига 24 техника ва 500 га яқин малакали ишчи-муҳандис жалб қилинган.

"Ашхобод сайилгоҳи" замонавий маданият ва истироҳат боғи мажмуасида 180 уш ўрни яратилиши кўзда тутилган бўлиб, боғ яқин кунларда фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари "Toshkent City" халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудида барпо этилаётган замонавий иншоотлар қурилиши билан танишди.

Давр шиддат билан ўзгариб, замонавий технологиялар ҳаётимизга тобора чуқур кириб келаётган ҳозирги кунда шаҳарсозликда инновацион лойиҳалар, янги қурилиш усуллари ва ёндашувлар пайдо бўлмоқда. Бундай ёндашувлар ривожланган давлатларда "Келажақ шаҳри" ёки "Янги шаҳар" деб аталмоқда.

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий, Олмазор, Ислам Каримов ва Фурқат кўчалари оралига 80 гектар ҳудудда барпо этилаётган "Toshkent City" халқаро ишбилармонлик маркази шундай замонавий марказлардан бўлади. Лойиҳага мувофиқ, бу ерда бизнес-марказлар, савдо мажмуалари, меҳмонхоналар, офислар, Конгресс-холл, кўргазма заллари, кўп қаватли замонавий уйлар, ижтимоий ва бошқа объектлар барпо этилади.

Бугунги кунда "Toshkent City" ҳудудида Конгресс-холл ва замонавий меҳмонхона қурилиш жадвал суратларда олиб борилмоқда. Конгресс-холл олий мартабали меҳмонхона иштирокида халқаро анжуманларни ўтказишга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги пайтда хорижий қурувчи-муҳандислар томонидан "Jet grout" технологияси асосида қозоқ қоқиш ва пойдевор қўйиш ишлари бажарилмоқда.

Ийгирма қавадан иборат беш юлдузли меҳмонхона энг замонавий қулайликларни ўзида мужассам этади. Ушбу меҳмонхонада ҳам нуфузли анжуманлар ўтказиш учун заллар, рестороанлар, салонлар, бассейнлар қурилади. Иққала иншоотдан бир-бирига махсус кўприк орқали ўтиш мумкин бўлади.

Президентимиз лойиҳалар билан танишар экан, мазкур иншоотларни энг замонавий технологиялар ва мейморлик андозалари асосида барпо этиш зарурлигини таъкидлади.

— "Toshkent City" шаҳар ичидеги янги шаҳар бўлиши керак, бу шаҳарча катта суратлар билан ривожланган Ўзбекистонимизнинг бор салоҳиятини ўзида тўла намоён этиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қурилишни тезлаштириш, иншоотларни 2019 йил август ойида фойдаланишга топшириш юзасидан топшириқлар берилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, рўй бераётган ўзгариш ва янгиликлар Ватанимизнинг юксак иқтисодий салоҳиятини намоён этиб, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек миллий мақом санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбиде миллий мумтоз санъатимизга ҳурмат ва эътибор туйғуларини камол топтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3391-сонли қарори билан Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланган Халқаро мақом санъати анжуманини (кейинги ўринларда Анжуман деб аталади) биринчи марта 2018 йилнинг 6 — 10 сентябрь кунларида ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Қашқадарь вилояти ҳокимлигининг таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Халқаро мақом санъати анжуманига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага;

Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита икки ҳафта мuddатда Анжуманга тайёргарлик қўриш ва уни юксак савияда ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Қашқадарь вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, Ўзбек миллий мақом санъати маркази:

Бир ой мuddатда халқаро анжуманнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарий ва бадиий дастурларини тайёрлаш;

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Балиқчилик тармоғи озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Кейинги вақтларда қурилаётган чора-тадбирлар тўғрисида мамлакат иқтисодиётининг таркибида балиқчилик улуши изчил ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, балиқчилик тармоғида ҳанузгача қўллаб қамчилик ва муаммолар сақланиб қолмоқда, уларни самарали ҳал этиш ишчанлик фойдалигини ошириш, инвестицияларни жалб этиш, балиқчиликнинг иқтисодий ҳолатини яхшироқ қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш учун шароитлар яратиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, илмий-инновацион тадқиқотлар ва ишланмалар сифатини ошириш, уларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва "Ўзбекбаликсаноат" уюшмасининг Тошкент вилояти Қўйи Чирчиқ тумани ҳокимлигига суд қарори билан берилган мол-мулк ва ер участкалари, шу жумладан, сув ҳавзалари негизиде "Балиқ ишлаб чиқарувчи" эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда "Балиқ ишлаб чиқарувчи" ЭИЗ деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар "Балиқ ишлаб чиқарувчи" ЭИЗнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ишлаб чиқариш, сунъий сув ҳавзаларини балиқланттириши янада ривожлантириш ва балиқчилик хўжаликларини таъминлаш учун балиқнинг янги ва сингалган турларини иқлимлаштириш орқали насли балиқ чавоқларини яратиш;

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

1 июлга қадар мазкур конференцияда хорижий давлатлардан иштирок этадиган мусиқашунос ва мақомшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонлар рўйхатини шакллантириш, уларни тақдирлаш сценарийсини ишлаб чиқсин;

1 августга қадар анжуман доирасида "Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни" мавзусида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияга тайёргарлик кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги анжумани ЮНЕСКО шафелиги остида ўтказиш масаласини белгиланган тартибда ҳал этсин.

6. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги 25 августга қадар Шахрисабз шаҳрида ободонлаштириш ва кўкчамзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, анжуман ўтказиладиган саҳна майдонлари ва заллар талаб даражасида тайёрланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Анжуманга ташир буюрувчи меҳмонлар учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг виза талабномаларига биноан Ўзбекистон Республикасига кириш визалари белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йигимларни ундирмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, "Ўзтўқимачиликаноат" уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда:

Анжуман доирасида Шахрисабз шаҳридаги Оксарой майдони ҳудудида мақом санъатига оид турли кўргазмалар, миллий соғлар ва либослар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ва видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва уларнинг сотуви ташкил этилишини;

Анжуман дастурини ишлаб чиқиш ва унинг Анжумандан уч ой аввал туристик ташкилотларга тақдим этилиши, интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини таъминласин.

9. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси: Анжуман қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жой ажратсин;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ижодий гуруҳ ва бадий дастур иштирокчиларига ҳамда хорижий меҳмонларга Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятидаги меҳмонхона ва овқатланиш хизматларини 50 фоизлик чегирма билан ташкил этсин.

10. Анжумани ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида куйидаги тартибда:

70 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ҳаражатлар сметасида маданий тадбирларни ўтказиш учун ҳар йил назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида;

30 фоизи — ҳомийлик хайрия, маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2018 йил 6 апрель

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

наследор балиқ личикалари етиштирувчи замонавий инкубацион цех фаолиятини ташкил этиш, балиқ чавоқларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, мавжуд балиқ чавоқларини етиштирувчи сув ҳавзаларини модернизация қилиш ва қайта таъмирлаш;

Ўз эҳтиёжи ва балиқчилик ҳўжаликлари учун тўла қийматли ва юқори оксилли озукаларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий қувватларни яратиш орқали озук базасини мустаҳкамлаш, дон ва дон экинларини экиш йўли билан бўғдой ва сояга бўлган ўз эҳтиёжларини қондириш;

инновацион ва замонавий интенсив технологияларни кенг жорий қилиш, шу жумладан, қафас (садок) усулида, ёпиқ сув айланма тизими қурилмаларида балиқ етиштириш ҳамда сунъий сув ҳавзалари ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига балиқ овлаш ҳажмларини кўпайтириш;

биринчи навбатда, аҳоли эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, кейинчалик қўшни мамлакатларга экспорт қилиш учун балиқларни қайта ишлаш ва балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш (консерва, икра, балиқ уни ва бошқалар) бўйича замонавий комплексларни ташкил этиш;

сувнинг гидрохимий таркибинин лаборатория усулида тахлил қилиш, балиқларни касалликлардан химоя қилиш, шунингдек, балиқ касалликларини аниқлаш, уларни даволаш чораларини кўриш;

Балиқ етиштириш овлаш ва қайта ишлаш жараёнида инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини, шунингдек, мутахассислик йўналиши бўйича тахсил олувчи таълим муассасалари талабалари учун балиқчилик тармоғида амалиёт ўтатиш ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги ва "Ўзбекбаликсаноат" уюшмаси билан биргаликда бир ой мuddатда "Балиқ ишлаб чиқарувчи" ЭИЗ таркибига доир ер участкаларининг чегараларини аниқ белгиласин.

3. Белгилаб қўйилсинки: "Балиқ ишлаб чиқарувчи" ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш мuddати кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади;

фаолият кўрсатиш мuddати мобайнида "Балиқ ишлаб чиқарувчи" ЭИЗ ҳудудида алоҳида солиқ, божхона ва валюта режими амал қилади;

"Балиқ ишлаб чиқарувчи" ЭИЗнинг фаолияти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши қарорлари ва "Балиқ ишлаб чиқарувчи" ЭИЗ томонидан ишлаб чиқилган бош режалари бўйича маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштирилади;

"Балиқ ишлаб чиқарувчи" ЭИЗнинг оператив бошқарув органи Дирекция ҳисобланади;

Дирекциянинг фаолиятдан тушган даромадлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар унинг фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

Дирекцияни "Ўзбекбаликсаноат" уюшмаси раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бошқаради;

Дирекция Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши қарорлари ва "Балиқ ишлаб чиқарувчи" ЭИЗ томонидан ишлаб чиқилган бош режалари бўйича маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштирилади;

Дирекция буюн фаолият кўрсатиш даврида солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

Тошкент вилояти ҳокимлигига бир ой мuddатда Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлигига суд қарори билан берилган мол-мулк, ер участкалари, шу жумладан, сув

ҳавзаларининг Дирекцияга топширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Дирекция фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

5. "Балиқ ишлаб чиқарувчи" ЭИЗ иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг 3, 4 ва 5-бандлари амал қилиниши таътиб этилсин.

6. Балиқчилик тармоғини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Урмон ҳўжалиги давлат қўмитаси балансида бўлган табиий сув ҳавзалари доимий равишда алоҳида фойдаланиш учун "Ўзбекбаликсаноат" уюшмасига берилсин.

Белгилансинки, табиий сув ҳавзаларининг ижара тўловларидан келиб тушган маблағлар тўлиқ ҳажмда "Ўзбекбаликсаноат" уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: Кишлоқ ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини киритишда вазирлик марказий аппарати тузилмаси таркибига 5 нафар штат бирлигидан кам бўлмаган балиқчиликни ривожлантириш бошқармаси ташкил этиш, шу жумладан, ушбу бошқармага "Ўзбекбаликсаноат" уюшмасининг олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш вазифасини юклагани назарда тутиш;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида балиқчилик соҳаси йўналишларида бакалаврларни тайёрлаш бўйича қабул квотасини камида икки баравар оширишни кўзда тутиш;

Тошкент давлат аграр университетига 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб "Балиқчилик" йўналиши бўйича камида 6 нафардан иборат магистратура курсини ташкил этсин.

8. Қуйидагиларга йўналтирилган Республикада 2018 — 2023 йилларда балиқчилик соҳасини жадал инновацион ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури лойиҳасига тасдиқлансин; қимматли балиқ турлари ва чавоқларини интенсив етиштириш учун питомник ва наслчилик ишларини давлат-хусусий шериклик шартларида тақомиллаштириш;

Балиқ маҳсулотларини (консерва, икра, балиқ уни ва бошқалар) ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

ақаулиқлардан ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Балиқчилик тармоғидаги илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни тақомиллаштириш;

Балиқчилик тармоғида экспорт салоҳиятини ошириш; балиқчиликни ривожлантириш учун озук базасини кўпайтириш, балиқ истеъмол қилиш маданиятини, шунингдек, "Ўзбекбаликсаноат" уюшмасининг балиқчилик соҳасини бошқариш ва мувофиқлаштиришдаги ролинин янада ошириш;

Балиқчилик ҳўжалиқларининг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: Дастурнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш бўйича вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини ва уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини;

ҳар ойда Дастурнинг бажарилиши танқидий кўриб чиқишини ва мавжуд муаммоларни самарали ҳал этиш чоралари қурилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси "Ўзбекбаликсаноат" уюшмаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар мuddатда:

ер ва сув ҳавзаларидан мақсадга номувофиқ фойдаланаётган табиий ва сунъий сув ҳавзаларини

ҳатловдан ўтказиш ҳамда уларни товар балиқлар ва балиқ чавоқларини етиштиришга жалб қилиш чоралари кўрилишини;

Балиқчилик ҳўжаликлари сунъий ва табиий сув ҳавзаларининг унумдорлигини кадастр ҳижатдан баҳолаган ҳолда ягона реестр яратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Кишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, "Ўзбекбаликсаноат" уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилоятларида балиқчилик ҳўжаликлариға ихтиопатологик хизмат кўрсатиш учун лабораториялар ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари 2019 йил 1 майга қадар мuddатда лабораторияларнинг тўлиқ фаолият юритиши, замонавий ускуналар билан жиҳозланиши ҳамда малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

11. "Ўзбекбаликсаноат" уюшмаси ҳузурнда балиқчилик маданиятини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини қамраб олувчи, шу жумладан, миллий ва хорижий илмий ва амалий инновацион ютуқларни, янгидан бошловчи ва фаолият юритиб келаётган балиқчилар учун балиқ етиштириш технологияларини тўғри ташкил этиш ҳамда мамлакат ичида ва ундан ташқарисида содир бўлаётган балиқчилик соҳасидаги муҳим воқеаларни ёритиб борувчи "Балиқчилик" журнали тавсия этилсин.

12. "Ўзбекбаликсаноат" уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Арнасой қишлоқ ҳўжалиги ва транспорт касб-хунар коллежи ҳамда Қуйи Чирчиқ агроиқтисодий касб-хунар коллежи қошида балиқчиларни тайёрлаш ҳамда балиқчилик ҳўжалиги ҳодимларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

13. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлигига балиқ етиштириш, уларни қайта ишлаш ва тайёр балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини ўрганиш ва жорий қилиш масалаларида хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни фаоллаштиришга кўмаклашини.

14. "Ипотека-банк" АТИБга балиқ чавоқларини етиштирувчи сув ҳавзалари ва инкубация цехларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият юритишини таъминлаш, балиқ етиштиришнинг замонавий технологиялари ва усулларини жорий этиш, экспортга йўналтирилган ва рақобатбардош балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича технология жараёнларини бошқичма-бошқич шакллантириш учун Дирекцияга беш йил мuddатга, икки йил имтиёзли давр билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида ошмайдиган кредитлар бериш тавсия этилсин.

15. "Ўзбекбаликсаноат" уюшмаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. Р. Иноятов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2018 йил 6 апрель

# АДАБИЁТИМИЗГА ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМҲЎРЛИК

Президентимизнинг 2017 йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувда маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича илгари сурган ғоят муҳим тақлиф ҳамда ташаббуслари Фармон ва қарорлар билан мустаҳкамланиб, аниқ ҳуқуқий норма ҳамда қоидалар сифатида ҳаётга жорий этилмоқда.

## МАЪНАВИЯТ

Жумладан, Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фонди тузилиб, ижод ахлига муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратилди, матбуот ҳамда ахборот соҳасида бошқарув янада тақомиллаштирилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйи ва поликлиникаси тубдан реконструкция қилинди. Уюшма қошида "Ижод" жамоат фонди тузилди. Пойтахтимизда Адиблар хиббони барпо этилиб, ушбу сўлим масканда Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Худудларда улуг адибларимиз номлари билан аталган ижод мактаблари, маданият ва истироҳат боғлари бунёд қилинмоқда.

Президентимизнинг шу йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларнинг узвий давоми сифатида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган берилган асосий вазифаларни, жумладан, "Давлат — маънавиятнинг бош ҳомийси" деган устувор таъминоти ҳаётга изчил жорий қилиш, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини тақомиллаштириш ва унинг иш самарадорлигини янада оширишда муҳим дастуриламалар ҳужжат бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда ҳаётий аҳамиятини ижод ахли ва жа-

моатчиликка етказиш мақсадида ўтказилган тадбирда су- ба алоҳида таъкидланди. Унда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, адиб ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг тарихий қарорини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов ва бошқалар мамлакатимизда ижод ахли жамятининг олди сафларида юрадиган, эл-юрт учун куйиниб шайдаган фидойи инсонлар сифатида ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлашди.

Тадбир Ёзувчилар уюшмаси-

нинг "Дўрмон" ижод боғида давом этди. Хусусан, ташкилотнинг янги аъзоларига гувоҳномалар топширилди. Санъат усталарининг концерт дастури барчага байрамона кайфият улашди.

...

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 13 мартдаги "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган ташкилий қўмита йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар қўшни мамлакатлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасида амалга ошириладиган кенг қуламли ишлар барча соҳада, жумладан, адабий-маданий жаҳалларда ҳам улкан самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда қарорда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан тегшлик вазирлик ва ташкилотлар вакиллари таъкидлади.

судаги режалар атрофлича муҳокама қилинди.

Президентимизнинг шу йил 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган ташкилий қўмита йиғилишида ўзбек халқи учун азиз ва қадрли сўймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти, Ўзбекистон буюк ижодкори юксак хурмат-эҳтиром кўрсатиладигани қардош халқи билан яқин қўшничилик ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, адабиёт, маданият соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида изчиллик билан амалга ошириш бўйича тегишли вазирлик ва ташкилотларга зарур қўрсатмалар берилди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов сўзга чиқди.

**Дилшод КАРИМОВ,**  
"Халқ сўзи" мухбири.

## Эътироф

# «Самарқанд дейилса, ҳар бир япониялик, аввало, қадимий Буюк Ипак йўлини ёдга олади»

Қўҳна ва ҳамisha навқирон Самарқанд ҳар доим сайёҳлар интилан қадим манзиллардан бири. Бу диёрга жаҳоннинг юздан ортқ мамлакатларидан ҳар куни меҳмонлар ташриф буюраётган бегоз эмас. Зеро, афсонавий шаҳарнинг довуғи бутун дунё узра маълуму машҳурдир. Жумладан, кеча Самарқанд халқаро аэропортида чартер рейс орқали юртимизга ташриф буюрган япониялик сайёҳлар тантанали кутиб олинди.

— Ўзбекистон, Самарқанд дейилса, ҳар бир япониялик, аввало, қадимий Буюк Ипак йўлини ёдга олади, — дейди "All season" туристик компанияси вакили Каваками Кодзўхиса. — Шунинг учун мамлакатингизни ўз қўзи билан қўришга хавасманд кишилар бизда жуда кўп. Лекин шу пайтга виза тартиблари тўғрйли қўччилик б ерга келишга иккиланарди. Эндиликда Япония фуқаролариға Ўзбекистонда бир ойгача визасиз тартибда бўлиш ҳуқуқининг берилиши сайёҳлар оқимининг анча қўпайишига имконият яратди.

Бу йил сайёҳлик йўналишлари ва дастрларини меҳмонларнинг талаб-истаклари асосида, уларнинг қизиқлишига қараб ташкил қилишга алоҳида эътибор қартилган. Хусусан, япониялик сайёҳлар учун Самарқанд шаҳридаги Регистон майдониди маҳаллий уста-хунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар, миллий либослар намойиши, фольклор жамоалар чиқишлари ҳамда 3D-шоу томошаси режалаштирилган.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**  
"Халқ сўзи" мухбири.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БОРАСИДАГИ МУЛОҚОТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Олий Мажлис Сенатида АҚШ Давлат котибининг инсон ҳуқуқлари, демократия ва меҳнат масалалари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Рэнди Берри билан учрашув бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари изчил ривожланиб бораётган, сиёсий мулоқот тобора кенгаймоқда. Биргина 2017 йилда Саудия Арабистонининг Ар-Рияд шаҳрида ўтказилган араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда АҚШ Президенти Дональд Трамп учрашиб, ўзаро мулоқотни

янада жадаллаштиришга келишиб олишган эди. Бунинг биринчи марта Ўзбекистон — АҚШ бизнес форумининг ташкил этилгани ҳам тасдиқлайди. Унда Америка Қўшма Штатларининг 100 дан ортиқ етакчи компаниялари раҳбарлари қатнашди. Тадбир якунида узоқ муддатга мўлжалланган 2,6 миллиард долларлик ҳужжатлар имзоланди. Давлатларо ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда бизнес форумида эришилган келишувларни амалга оши-

риш бўйича амалий тадбирлар режаси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоёв инсон ҳуқуқи ва эркинликлар соҳасида ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналиши ҳисобланганини қайд этди. Мамлакатимизда Харақатлар стратегиясига мувофиқ, қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш борасида изчил ҳамда тизимли ишлар олиб борилаяпти. Ўзбекистон ушбу йўналишда халқро ҳамкорлик учун очқидар. — Мен Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлардан яхши хабардорман, — деди

Анжуман

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Россия стратегия тадқиқотлар институтида "Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари ва уларни ҳал қилиш стратегияси: Россия ва Ўзбекистон ёндашувлари" мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистоннинг Россиядаги Факултетида ва мухтор элчиси Баҳром Ашрафзонов, Президент ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори Владимир Норов, экспертлар, Президент вазирлиги маъсул ходимларида иборат мамлакатимиз делегацияси қатнашди. Тадбирда Россия — Ўзбекистон муносабатларининг долзарб масалалари, Марказий Осиё давлатлари хавфсизлиги, Афғонистондаги вазият ва унинг минтақа таъсири юзасидан ўзаро фикр

алмашишти. Экспертлар икки давлат ўртасида ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, Ўзбекистон раҳбариятининг минтақада барқарорлик, тинчлик ва изчил taraqqiyyatga эришиш борасида сиёсий хошиши ва интилишини эътироф этишди. Россия стратегик тадқиқотлар институти директори Михаил Фрадков Россия Федерацияси Ўзбекистон билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни янада қўри босқичга кўтариш тарафдори эканлигини қайд этди. "Барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқла-

римиз манфаатлари йўлида жадал ривожланишга эришишимиз умумий истиқомидир", деди Фрадков. Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори Владимир Норов, ўз навабатида, Ўзбекистоннинг янги ташки сийосатида Марказий Осиё устувор йўналиш сифатида белгилаб олинганини, мамлакатимиз атрофида хавфсизлик камарини барпо этиш асосий вазифа эканлигини таъкидлади. Тадбирда қайд этилганидек, Ўзбекистон минтақанинг барча давлати билан чегарадош бўлган муҳим мамлакат саналади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик кафолати сифатидаги роли тобора ўсиб бормоқда.

Москва Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлиги юзасидан яқдил фикр билдирдилар. Ахборот соҳасида ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди, ўзаро ахборот алмашишни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Россия стратегия тадқиқотлар институти ҳамда Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, россиялик экспертларнинг Ўзбекистондаги илмий-амалий тадбирлардаги иштироки юзасидан келишувга эришилди. Кейинги экспертлар учрашуви Тошкентда бўлиб ўтди.

Қобил ХИДИРОВ.

Сайёр қабуллар: натижа ва хулосалар

АДОЛАТ ҲУҚМРОН ЖОЙДА ШИҚОЯТГА ЎРИН ЙҶК

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси билан мамлакатимизда халқ билан фаол ва очик мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлаш борасида яратилган янги тизим одамларнинг дард-ташвишларини тинглаш, муаммоларини ҳал этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари топириғига асосан, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари 2017 йилнинг июль — декабрь ойларида қўртимизнинг барча ҳудудида ўтказган сайёр қабулларда ҳам бу жиҳатлар яна бир бор ўз исботини топди.

Тадбирларда асосий этибор одамларни қийнаб келаятган турли муаммоларни ижобий ҳал қилиш асосида коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда коррупцион ҳолатларни келтириб чиқариши мўмкин бўлган муаммоларни чуқур ўрганиш ва бартараф этишга қаратилди. Очик мулоқотларда 58 мингдан зиёд фуқаро ва тадбиркордан турли масалаларга оид 32 минг 176 шикоят, ариза ва тақлифлар келиб тушган. Муурожаатлар, асосан, банк кредитлари (8 мингдан зиёд — 25 фоиз), ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари қарорларидан норозилик (7 мингдан ортиги — 22 фоиз), бандлик ва иш ҳақи тўловлари (3 минг 973 — 12 фоиз), тадбиркорлик (3 минг 350 — 10 фоиз), уй-жой ва ер участкалари ажратиш (2 минг 473 — 8 фоиз), электр ва газ таъминоти (1 минг 238 — 4 фоиз), моддий ёрдам (889 — 3 фоиз) каби масалаларга оиддир. Ҳозирги кунгача муурожаатларнинг 96 фоизи, яъни 30 минг 876 таси ҳал этилган. Улардан 8 минг 326 таси соҳалар фаолиятига оид тақлиф ва тавсиялардан иборат.

Коррупция — тараққиёт йўлидаги дов

Коррупция — ҳар қандай давлат ва жамиятда тараққиёт оёғига солинган кишан. Сайёр қабуллар жараёнида коррупция ҳолатлари ҳақида 118 шикоят келиб тушгани бу борада қилинажак ишлар ҳали кўп эканини, порахўрлик, тама-тирлик, ўз мансаб ваколатини суиистемол қилиш билан боғлиқ қиллатлар жамиятимизда нечоғли илдиэ этиб кетганининг яна бир исботидир. Барча муурожаатлар бўйича тегишли идораларда хизмат текширувлари олиб борилган. Уларда солиқ тизими (65 фоиз), тиббиёт (8 фоиз), махаллий ҳокимликлар (7 фоиз), ҳудудий ҳал таъминоти корхоналари, ер ресурслари ва давлат кадастри (3 фоиз), бошқа корхона ва ташкилотлар (13 фоиз) ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан арз қилиниб, адолатни қарор топтириш сўралган. Мазкур муурожаатлар бўйича тегишли қўнуий қоралар қўрилган. Хусусан, айбдорлиги аниқланган ҳодим ва мутахассислардан 34 нафари эгалаб турган лавозимидан озод қилинган, 16 нафари интизомий жазога тортилган, 3 ҳолатда жиноят иши қўзғатилган.

100 минг сўм олиб, 100 минг сўмга Халқ банкининг тўлов қиванциясини бергани, "қўқ"ни эса "хўжайини"га элтиб бергани аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан хизмат текшируви ўтказилган, М. Раҳмонов эгалаб турган лавозимидан озод этилган, хулоса ва тўланган ҳужжатлар Тейлоқ тумани прокуратурасига юборилган. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида яшовчи Зокиржон Ҳакимов сайёр қабулда шикоят қилишича, Тошкент шаҳри Яншобод тумани давлат солиқ инспекцияси ходими Д. Қаримов ундан нақдлаштириб бериш мақсадида ичидан 30 миллион сўм пули бор пластик қарточкасини олган. Унинг 6 миллион сўмининг нақдлаштириб берган, қолган 24 миллион сўмини қайтармаган. Хизмат текшируви хулосалари асосида Д. Қаримов билан тўзиган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, тўланган ҳужжатлар Тошкент шаҳар прокуратурасига юборилган.

Адолатнинг узун йўли... қисқармоқда

Мамлакатимизда ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бевосита ўз ваколати доирасидан чиқмайидган, бир-бирининг функциясини тақорламайдиган тизим шакллантирилмоқда. Шу мақсадда ўтган даврда суд, прокуратура, ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислох қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ушбу идораларнинг вазиолият аниқ белгиланиб, уларнинг фаолияти халқ манфаатларига хизмат қилишига йўналтирилмоқда. Бироқ Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиса Муурожаатномасида таъкидлаганидек, "...бу борада қабул қилинган қатор қонун, Фармон ва қарорларимиз ҳаётга тўлиқ татбиқ этилди, дейишга, албатта, ҳали эрта. Қўрилаётган қораларга қарамадан, ички ишлар идоралари ҳали чинкама "Халқларнинг ички ишлар идоралари"га айлангани йўқ. Прокуратура органларининг эса жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги фаолияти етарли эмас.

Суд идоралари ҳали-ҳамон ҳар қандай ҳолатда адолат қарор топадиган масканга айлангани йўқ. Ҳаётнинг ба ачиқ ҳақиқатларига мазкур тузилмалар раҳбарлари худудларда ўтказилган сайёр қабулларда ҳам тақор-тақор амин бўлди. Бу жараёнда Ички ишлар вазирлиги 3 минг 735 (12 фоиз), Бош прокуратура 7 минг 182 (хисса муурожаатнинг 22 фоизи), Олий суд 4 минг 426 (14 фоиз) муурожаатни қўриб чиққан. Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари сайёр қабулларда фуқаролар ва тадбиркорларнинг турли мазмунидаги 3 минг 735 муурожаатини қабул қилган. Муурожаатлардан энг кўпи — ички ишлар органларига ишга қайта тиклаш (1 минг 362 та), мазкур тизимга ишга кириши-

(243 та), терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва суриштирув (541 та), паспорт-виза (394 та) масалаларига оидлигини кўрсатди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 340 масала сайёр қабул жараёнида ижобий ҳал этилган, 731 муурожаат қабулдан сўнг ечим топишган. Аниқ мисолларга муурожаат этсақ: Сурхондарё вилоятида ўтказилган сайёр қабулда термизлик Урол Қодиров Ички ишлар вазирлиги мутасаддиларига ўғли Чори Қодиров 2017 йили автоҳалокат туффали вафот этгани, айбдор ҳайдовчига нисбатан тегишли чора қўрилмаётганидан норози бўлиб шикоят қилган. Урганшилар жараёнида муурожаатчининг вақлари асосли деб топишган, ҳайдовчига нисбатан айблов эълон қилиниб, у қамоққа олинган. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида яшовчи Баҳром Ҳужанязов 2013 йили ички ишлар органларидан ноҳақ бўшатилганини баён қилиб, ишга қайта тиклашни сўраган. Мазкур муурожаат атрофида урганшилиб, унинг ишга қайта қабул қилиниши ҳақида хулоса тасдиқланган.

Бош прокуратурага келиб тушган муурожаатлардан 7 минг 117 таси ижобий ҳал қилинган, қолгани қўриб чиқилмоқда. Ҳуқуқий идоралар ва суд қарорларидан норозилик бўйича 1 минг 733, уй-жой ва ер майдонларига оид 1 минг 155, бандлик ва иш ҳақи масаласида 1 минг 40 муурожаат келиб тушган. Электр, газ ва ёниги таъминоти (529), моддий ёрдам (508), тадбиркорлик, терминал ва пластик карта, нақд пул, валюта амалиётлари (437), банк кредити (301), соғлиқни сақлаш (280), таълим (260), қишлоқ хўжайинлиги (229), молия, солиқ, қардорликни ундириш (220), объект қуриш, қўчириш ва реконструкция (194), оила, маиший ва махалла (148) масалаларида ҳам муурожаатлар кўп тушган.

Бунинг натижасида 224 фуқарога уй-жой, 323 кишига 163 миллион 609 минг сўмлик моддий ёрдам ажратилган, 360 шахс иш билан таъминланган. Судларга 1 миллиард 680 миллион сўмлик 65 давво аризаси киритилган, 24 киши маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилган. Жиддий қўнубузилиш ҳолатлари бўйича 57 жиноят иши қўзғатилган. 114 фуқаронинг ордери олиб, шифохона ёки санаторийда имтиёзли даволаниши таъминланган. Тадбиркорликка оид масалалар юзасидан 417 муурожаат қаноатлантирилган.

Яна бир мисол: Жиззах вилоятида ўтказилган сайёр қабулда давлат ва жамоат ахтиёблари учун ер участкаларини олиб қўйишни муносабати билан уй-жой ва бошқа объектлар бузилиши оқибатида 322 жисмоний ва юридик шахсга жами 16 миллиард 456 миллион сўмлик компенсация пуллари 3 йилдан бери тўланмай келинаётгани аниқланган. Бош прокуратура аралашуви билан мазкур қардорликни қоплаш учун республика бюджетидан 3 миллиард 456 миллион сўм ажратилиши таъминланган.

Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида фаолият қўрсатуви "Кўғай теплица" МЧЖ раҳбари Ҳасанбой Келдибеков Бош прокуратура мутасаддиларига иссиқхона ташкил этиш учун Халқ банкининг Учқўрғон филиалидан 500 миллион сўм кредит олиш муаммо бўлаётганидан шикоят қилган. Муурожаат қўриб чиқилган, тадбиркорнинг қўнуий талаби қаноатлантирилиб, кредит ажратилган. Навоий вилоятининг Кармана туманида "Зиёкор" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Дилбар Ҳайтованин уйда ичимлик суви йўқлиги ва сув билан таъминлашни сўраб қилган муурожаати виллоят прокуратураси томонидан ўрганилган, мазкур худуддаги 12 хонадон ичимлик суви билан таъминланган. Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнгрот туманида яшовчи фуқаро Ф. Фозилбекованин муурожаати асосида тумандаги авария ҳолатига келиб қолган 39-мактабни таъмирлаш учун 361 миллион сўм ажратилган, 5-мактабга ҳам таълим муассасасини қайта таъмирлаш 2018 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига киритилган. Наманган вилоятининг Чуст туманида фуқаро Ш. Алиева доирив қовул ўсим-

лиги этиштириш ва интенсив боғ ташкил этиш учун 50 гектар ер ажратилган. Олий суд раҳбарияти сайёр қабулларда 4 минг 426 муурожаатни қўриб чиққан, уларнинг 834 таси жиноят, 689 таси фуқаролик, 108 таси маъмурий, 82 таси иқтисодий ишлар бўйича судларга тегишлидир. Суд тизимига энг кўп муурожаат Тошкент шаҳри (307), Қашқадарё (192), Сурхондарё (166) вилоятларидан келиб тушган.

Муурожаатларнинг аксарияти дастлабки тергов ва судларнинг қарорлари, суд қарорларининг ижроси юзасидан билдирилган. Шунингдек, тергов ва суд жараёнида тўлиқ ўтказилмагани, далиллар мақбуллиги ривоят этилмагани фуқароларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлган. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг муомала маданияти анча пастлиги, фуқароларга кўп муносабатда бўлиши, тарафларнинг ялпўрлигини кўн билан тингламаслиги ҳам фуқароларнинг шикоят қилишига сабаб бўлмоқда. Тадбиркорлар, фуқаролар билан давлат идоралари ўртасида ер майдонлари ва бино-ишоотларнинг эгалиги тўғрисидаги низолар бўйича ҳам кўп муурожаатлар келиб тушган.

Фуқаролардан келиб тушган муурожаатлар юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида Олий суд раҳбарияти кўйи суд ҳужжатларига нисбатан жами 596 протест киритилган. Уларнинг 234 таси фуқаролик, 204 таси жиноят, 114 таси иқтисодий ишлар бўйича бўлиб, 44 маъмурий ишнинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилган.

Ҳар бир соҳада қонун устувор бўлмоғи лозим

Сайёр қабуллар жараёнида Адлия вазирлиги раҳбарлари 2 минг 729 (жами муурожаатларнинг 9 фоизи), Давлат солиқ қўмитаси мутасаддилари 2 минг 354 (7 фоиз), Давлат боҳжона қўмитаси раҳбарияти 1 минг 112 (3 фоиз) муурожаатни қўриб чиққан.

Адлия вазирлиги келиб тушган муурожаатлардан 854 таси жойида ҳал этилган. Бунинг натижасида 486 шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланган, 18 оиланин уй-жой ва ер участкаси олишга, 70 фуқаронинг ишли бўлишига, 39 кишига моддий ёрдам ажратилишига, 85 фуқарога қасалхона ва санаторийларда даволаниши учун ордери берилишига, 69 фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишида дуч келаятган муаммолари ҳал бўлишига амалий кўмак берилган.

Аҳолидан келиб тушган муурожаатлар турли мазмунида, аммо барчаси вилоятлар аҳолисини анчадан бери ташвишлантираётган муаммолардир. Фуқароларнинг дардини эшитишти, уларга амалий ёрдам қўрсатишни асосий мақсад қилган сайёр қабуллардаги муурожаатлар, уларнинг натижалари ҳақида айрим мисолларни келтириб ўтиш мўмкин. Масалан, 1993 йилдан буён Ўзбекистонда яшаб келаятган Россия фуқароси Екатерина Бердиева фарзандига паспорт олиш учун амалий ёрдам сўраган. Айёнинг муурожаати қаноатлантирилиб, фарзандига паспорт берилган. Сирдарёлик Муҳаббат Орипова фарзандига ногиронлик аравачаси олишда амалий ёрдам сўраган. Бу муаммо ҳам зудлик билан ҳал этилган.

Муурожаат қилувчилар орасида нафақат ўз муаммосини, балки одамларнинг, қишлоқ аҳолисининг яхши шарафига яшашини таъминлашга ҳаракат қилиб, хайри ишларга бел боғлаганлар ҳам анчагина. Шундай инсонлардан бири — Хоразм вилоятида яшовчи Олимбой Ёқубов маҳалласида ичимлик суви келтиришда амалий ёрдам сўраган. Заҳахларни қазиб бериш ва маҳаллада болалар боғчаси қуриш тақлифини киритган. Бу муурожаат юзасидан Ҳазорасп тумани ҳокимлиги амалий ишларни бошлаб юборган. Худудларда бўлиб ўтган очик мулоқотларда Давлат солиқ қўмитаси мутасаддилари уй-жой, ижтимоий муҳофаза, таълим, тиббиёт, ҳуқуқ-тартибот, банклар фаолияти, ишга жойлаштиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид кўп муурожаатлари юзасида ҳал этган. Аниқ мисолларга ўтсак. Тошкент вилоятининг Янгийул туманида яшовчи фуқаро М. Шокирванин тақлифига мувофиқ, Янгийул тумани марказий шифохонасининг болалар бўлимига ҳомийлар маблағи ҳисобидан "небулайзер" ингалиция аппарати олиб берилган. Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида яшов-

чи фуқаро Б. Тешабоев ўнғ оёғида жардорлик амалиёти ўтказиш учун имкониёти йўқлигини айтиб, амалий ёрдам сўраган. Мазкур муурожаат қўриб чиқилган, фуқаро Б. Тешабоев Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш илмий марказида бепул даволаниб чиққан. Унинг ўнғ оёғига ҳомийлик ҳисобидан 11 миллион сўмга протез буюми олиб берилган.

Яна бир мисол, Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидан тадбиркор Замира Нормўминова муурожаат қилиб, 2017 йили "Агробанк" ажратган 74 миллион сўм кредитнинг фақат 30 миллион сўмини олгани, қолган 44 миллион сўм кредитни банк ресурси йўқ, деган вақ билан бермаётганидан арз қилган. Урганшилар натижасида тадбиркорга "Агробанк"нинг Қамаш тумани филиалидан 44 миллион сўм кредит олиб берилган.

Давлат боҳжона қўмитаси мутасаддилари сайёр қабулларда умид билан эшик қочқан 1,1 мингдан ортиқ одамларнинг дардида кулоқ тутган. Турли расмиятчилардан холи, давомли маъруза ва узундан-узун ҳисоботларсиз ташкил этилган ушбу очик мулоқотларда фақат ташкил иқтисодий фаолият иштирокчилари эмас, балки жамиятимизнинг барча қатламига мансуб юрдошларимиз — кексалар, ўқувчилар, шифокорлар, ёшлар, талабалар ва бошқалар бемалол иштирок этган. Кимдир раҳбарларнинг ўринсиз хатти-ҳаракатидан норози, кимдир порахўрликдан наҳот сўраган, яна кимнингдир уй-жой муаммоси бўлса, бошқа бири дори-дармонга мўтож...

Агар чуқурроқ таҳлил қилинса, муурожаат эгаларининг салкам 24 фоизи тадбиркорлик соҳасидаги қийинчиликлар, хусусан, терминал, пластик қарточкалар, нақд пул ечими ва валюта амалиётидаги бюрократик тўсиқлардан арз қилган, 15 фоиз муурожаат меҳнат, бандлик ва иш ҳақи масалаларида бўлган. Муурожаатларнинг 12 фоиздан ортиги электр, газ ва ёниги таъминотидаги узилишлар билан боғлиқ.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида мазкур муурожаатларнинг 967 таси, яъни салкам 87 фоизи қўсқа фурсатда ижобий ечимини топган. Хусусан, термизлик Шамсиддин Шарипов айнан сайёр қабуллардаги муурожаатлари асосида боҳжона органлари хизматида қабул қилинган. Термиз шаҳри Нукус қўчаси 12-уйда яшовчи Мунаввар Раҳимованин муурожаати асосида унинг яшаб турган уйи бузилишига тушгани боис оиласига 8 сотих ер майдони ажратиб берилган.

Банклар тадбиркорларга пешвоз чиқмоқда

Сайёр қабуллар тадбиркорлар учун ўзинга хос "мулоқот майдонча"ни шакллантиришга, банк тизимидаги мавҳуд муаммоларни ич-ичиндан ўрганиш, банк хизматлари бўйича аниқ тақлифлар тайёрлаш, кўтариш билан масалаларга асосланиб, тизимдаги бошқалар қарорлари ва тарафларини қайта қўриб чиқишга ёрдам берди.

Айнан шундай очик мулоқотлар самарасида 3 мингдан зиёд фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига 488 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилиши таъминланган, 5 минг 642 муурожаатчининг нақд пул муомаласи, 268 фуқаронинг валюта операцияларига оид масалалари ҳал этилгани бунинг яққол далилидир. Тижорат банклари раҳбарияти 10 минг 638 муурожаатни қўриб чиққан, бу жами муурожаатларнинг 33 фоизини ташкил қилган. Ушбу муурожаатларнинг асосий қисми банк кредитлари (7 минг 121), тадбиркорлик, терминал ва пластик карта, нақд пул, валюта амалиётлари (2 минг 306), қардорликни ундириш (164), объект қуриш, қўчириш ва қайта таъмирлаш (40), автосалондан автомашина олиш (28) ва бошқа масалалар тўғрисида бўлиб, уларнинг 10 минг 207 таси ижобий ҳал этилган. Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги "Мега Экспресс Люкс" МЧЖ бадиқчиллик фаолиятини ривожлантириш мақсадида ҳовуз қуриш учун 250 миллион сўм, андижонлик тадбиркор Машҳурбек Қимсановага бўш турган бинода музтаблицани оморхона ташкил қилиш учун 500 миллион сўм кредит ажратилган. Бўҳоро шахридаги "Selel Production" МЧЖга пластик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 1,6 миллиард сўм, Ромитан туманидаги "Қўнча Бўҳоро" фермер хўжайини раҳбари Шўҳрат Нозиёмова иссиқхона қуриши

учун 1,1 миллиард сўм миқдоридида кредит ажратилган амалий ёрдам қўрсатилган. Бугун икки тадбиркор ҳам ўз фаолиятини кенгайтириб, ички бозорга маҳсулот етказиб бermoқда.

Жиззах вилоятининг Зафаробод туманидаги "Анхор остидаги сув париси" ҳусусий корхонаси раҳбари Утагул Бойқоновага тўйхона хизматини ташкил этиш учун 100 миллион сўм кредит ажратилган. Айни пайтда тўйхона замонавий жиҳозланиб, халққа хизмат қилмоқда. Худди шу каби сайёр қабуллардаги муурожаатлар натижасида Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидан тадбиркор Жамшидбек Хайруллоев 80 миллион сўм кредит эвазига спорт кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, Навоий вилоятининг Қармана туманидаги "Қармана Олмазор" МЧЖ раҳбари Ж. Қосимов 800 миллион сўмлик банк кредити эвазига иссиқхона қуриб, қўнч парвартишларига Навоий шаҳрида тадбиркор Фаҳриддин Хирочов сайёр қабулларда муурожаатидан сўнг 1 миллиард сўм кредит олиб, янги клиника қузмоқда.

Республика молия, бандлик, қасаба уюшмалари, банк ва бошқа мутасадди идоралар томонидан мамлакат бўйича аниқланган, кредит олий истганини билдирган кам таъминланган 5 минг 717 оилга 33,3 миллиард сўм миқдоридида имтиёзли кредитлар ажратилиши таъминланган. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча туманида ўтказилган хатловлар натижасида бўш турган 1 минг 832 бино ва ишоот аниқланган, улардан мақсадли фойдаланиш бўйича ташаббуслар ва банк кредитлари ҳисобидан 734 миллиард сўмлик 1 минг 485 лойиҳа ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда лойиҳалардан 415 таси бўйича тармок жадаллари ишлаб чиқилиб, ҳокимликлар томонидан тасдиқланган. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 95,8 миллиард сўм бўлгани ҳолда, 63,7 миллиард сўми ташаббусларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Бундан ташқари, сайёр қабуллар натижасида жами 596 фуқаронинг электр ва газ таъминотида оид муаммолари ҳал этилган, 373 оилга уй-жой ва ер участкаси ажратилган, 622 фуқаро ишга жойлаштирилган, 302 фуқарога 210 миллион сўмлик моддий ёрдам қўрсатилган.

Сайёр қабуллардан олинган хулосалар иборат?

Авалло, сайёр қабуллар натижасида узоқ вақтдан бери аҳолини қийнаб келаятган турли муаммолар юзига чиқмоқда. Олдий одамлар ҳаётига дахлдор масалалардан тортиб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятта молик масалаларга ечим топиломоқда. Муаммоларга тик қараб, уларни ҳал қилишга қиришилгани мамлакатимизда тараққиётнинг янги босқичига ўтилганидан далолат бўлиш билан бирга, халқнинг ҳаётга, давлатга, жамиятга, келажакка ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Очик мулоқотлар исботлаган ҳақиқатлардан яна бири шунки, қонун устуворлиги жамият тараққиёти, фуқаролар ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлашнинг энг бирламчи воситасидир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни амалда таъминлашни учун қўнуий тўла ҳамда сифатли ишчи қўрилиши лозим. Мазкур қабуллар аҳоли онгидида коррупцияга нисбатан муросасизликни шакллантириш жамиятимиздаги коррупциявий оимларни бартараф этишининг муҳим воситаси эканини ҳам қўрсатди. Ўнда қилиб айтганда, адолат ва қонунийлик — халқ ва мамлакат хотиржамлигининг асоси. Бугун мамлакатимизда ам

